

Ижтимоий-ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга молик ҳадислар жамланмасининг электрон тўплами яратилади



13:16 / 08.05.2025 1036

Юртимизда диний-маънавий меросни асраш, тарғиб қилиш ва замонавий технологиялар орқали жамоатчиликка етказиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай ташаббуслардан бири сифатида, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида ижтимоий-ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга молик ҳадислар жамланмасининг электрон тўпламини яратиш режалаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида 1500 та ҳадисни ўз ичига олган электрон тўплани шакллантирилади. Унда инсон одоби, оила, муомала маданияти, ҳалоллик, адолат, сабр-тоқат, меҳр-оқибат каби турли мавзуларга оид ҳадислар

жамланади.

Бу тўплам марказга ташриф буюрувчилар учун катта манба вазифасини ўтайди. Улар ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича ҳадисларни излаб топиш, ўқиш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида ҳадис илмини ўрганиш, ёш авлодга ислом ахлоқи ва одобларини сингдиришда муҳим роль ўйнайди.